

Ziyodilla ZINATULLAYEV,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ИСЛОМ АРАФАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХУДУДЛАРИДАГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НАКАНУНЕ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ИСЛАМА

SOME FEATURES OF THE STATEMANAGING IN CENTRAL ASIA ON THE EVE OF ISLAM

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Аҳамонийлар, юнон-македонлар, Буюк Ипак йўли, Ғарбий Турк хоқонлиги, Ўн ўқ хоқонлиги, ябгу, қора будун, Эл Арслон, Абруй, Исфижоб, қадимги туркий битиклар.

Ключевые слова: Центральная Азия, Ахемениды, Греко-Македония, Великий Шелковый путь, Западно-Тюркский Каганат, ун ук хоқонлиги, ябгу, қора будун, Эл Арслон, Абруй, Исфижоб, древнетюркские тексты.

Key words: Central Asia, Ahamonids, Greek-Macedonians, Great Silk Road, Western Turkic Khanate, Ten Khanate, Black Budun, El Arslan, Abruy, Isfijab, Turkish texts.

Марказий Осиё қадим даврлардан мўътадил иқлими, унумдор ерлари, серҳосил боғлари, ер ости маъданларига бойлиги билан кўплаб ҳукмдорлар, босқинчилар ва тарихнавислар эътиборида бўлиб келган. Қадимги даврларда Аҳамонийлар, сўнг юнон-македонлар босқинига учраган мазкур ҳудуд ўрта асрларда ҳам сиёсий жараёнлар марказида бўлиб қолаверган. Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари Марказий Осиё орқали ўтганлиги ҳам ҳудуднинг стратегик аҳамиятини оширган. VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг бошларида, яъни арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши арафасида мазкур минтақа Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган.

Хоқонликнинг ғарб томонга ҳарбий юришларида Истамихоқон (551–576) бошчилик қилган. У 563–567 йиллар оралиғида Эфталлийлар давлатига кетма-кет зарбалар бериб, Марказий Осиё ва Кас-

пий денгизига чўзилган ҳудудларни эгаллашга муваффақ бўлган [7;99 б.].

Бунинг оқибатида Эфталлийлар давлати инқирозга юз тутди. Хоқонлик эса, ҳарбий нуқтаи назардан Эрон ва Византия каби қудратли империялар билан бирмунча тенглашди.

Маълумки, 581 – 603 йилларда содир бўлган ўзаро низолар, узлуксиз урушлар ва Хитой империяси томонидан уюштирилган фитналар оқибатида Турк хоқонлиги узил-кесил иккига бўлиниб кетди. Ўтроқ воҳалар – Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Еттисув Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида қолди [6;88 б.].

Ўз даврида «Ўн ўқ хоқонлиги» деб юритилган Ғарбий турк хоқонлиги таркибига Олтой тоғларининг ғарбида жойлашган ўлкалар – Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар ҳамда Марказий Осиёдаги ярим мустақил кичик «давлатлар» кирган. Унинг маркази Еттисув бўлган. Ғарбий хоқонликнинг ёзги қароргоҳи Исфижоб (Сайрам) яқинидаги Мингбулоқда, қишкиси – Суёб (Қирғизистоннинг Тўқмоқ вилояти) шаҳрида жойлашган [7;100 б.].

Марказий Осиёнинг ўша даврдаги ярим мустақил давлатлари таркибига Жайхун (Амударё) дарёси яқинида жойлашган Бухоро вилояти, Самарқанд ва унга қарашли бўлган Сўғд вилояти, Ушрусана (Уструшона), Шош, Фарғона, Кеш, Насаф, Сағонийон (Чағониён), Термиз, Қуводийон (Қува), Ахсисак (Ахсикент) ва Хоразм ҳудудлари кирган [2;30 б.]. Тарихий манбаларга кўра, жумладан, Беруний асарлари [3], VI–VII асрларда ёзилган Хитой солномалари [8] маълумотлари бўйича, VIII асрнинг бошларида Марказий Осиёда 15 га яқин ана шундай «мустақил» давлатлар бўлган [4;154 б.].

Туркхоқонлигидаги бошқарув тизими ўзига хос феномен бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлган. Хоқонликда бутун салтанат устидан олий ҳукмронликни хоқон амалга оширган. Осмон (Тангри), ер ва сув кучи, хоқон иродаси халқ учун ғоявий асос вазифасини ўтаган. Қадимги туркларда хоқон бирлик, озошлик ва мустақиллик рамзи саналиб, хоқонлик ҳудудида ягона улут хоқоннинг ҳукмронлик қилиши шарт ҳисобланган. Туркий битикларга кўра, хоқон Тангри (худо) ва будун (халқ) ўртасидаги воситачи ҳисобланган. У нафақат ўз халқи, балки унга тобе бошқа элатлар ҳақида ҳам қайғуриши лозим бўлган [6;88 б.].

Мақолада илк ўрта асрлардаги Марказий Осиё минтақасининг стратегик аҳамияти, туркий халқларнинг босқини ва Турк хоқонлигига қўшиб олинishi жараёнлари кўриб чиқилган. Туркий қабилаларнинг ҳужумлари натижасида Марказий Осиёни қарийб бир аср бошқариб келган Эфталитлар давлати инқирозга юз тутди. Ўлкада кўчманчилик анъаналарига асосланган бошқарув тизими қарор топди: янгича тартиб ва унвонлар жорий этилди.

Туркий қабилалар томонидан ўрнатилган бошқарув тизимида сўғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, чочликлар, фарғоналиклар, шунингдек, бошқа маҳаллий автохтон туркий тилли элатлар ҳам иштирок этган. Маҳаллий сулолаларнинг бошқарувдаги иштирокидан кўзланган мақсад – ўтроқ ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда ҳарбий эҳтиёжларни қондириш бўлган. Ғарбий хоқонлик аҳолисининг катта қисми хоқонлик бошқаруви шароитида ўтроқ деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан машғул бўлган. Бу даврда Марказий Осиё ерларида деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик тез ривожланди.

Марказий Осиё Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, муайян даражада ички мустақилликка эга бўлган. Ўлкада марказлашган кучли ҳокимият мавжуд бўлмасдан, у бир неча «салтанатлар»дан ташкил топган конфедерация шаклида ривожланар эди.

Мақолада исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши арафасида ҳудуддаги сиёсий-ижтимоий ҳолат ва маҳаллий бошқарув тизими бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.

В статье рассматривается стратегическое значение Центральной Азии в средневековье и её включение в Тюркский каганат в процессе вторжения тюркских племён. Империя Эфталитов, которая правила Центральной Азией в течение почти столетия в результате набегов тюркских племен рухнула. В регионе создана система управления, основанная на кочевых традициях: введены новые порядки и должности.

В системе управления, созданной тюркскими племенами участвовали согдийцы, хорезмийцы, бактрийцы, шашцы, ферганцы, а также другие местные тюркоязычные народы.

Целью местных династий было обеспечение политической стабильности и экономического развития в оседлых местностях, а также удовлетворение военных потребностей. Большинство населения Западного каганата были заняты обширным оседлым земледелием, ремеслом и торговлей под властью каганата. В этот период на землях Центральной Азии быстро развивалось сельское хозяйство, садоводство и виноградарство.

Хотя Центральная Азия была вассалом Западно-тюркского каганата, она имела определенную степень внутренней независимости. Без централизованной власти в стране она развивалась в форме конфедерации «правителей».

В статье на основе первоисточников и научной литературы освещается общественно-политическая ситуация и система местного самоуправления в Центральной Азии накануне прихода ислама.

The article discusses the strategic importance of Central Asia in the Middle Ages and its inclusion in the Turkic Kaganate in the process of invasion of the Turkic tribes. The Empire of Ephthalits, which ruled Central Asia for almost a century, collapsed as a result of the raids of the Turkic tribes. A new management system based on nomadic traditions has created, new orders and positions have been introduced.

Sogdians, Khorezmians, Bactrians, Shashs, Ferghans, and other people participated in the system of governance created by the Turkic tribes.

The goal of the local dynasties was to ensure political stable and economic development in settled areas, as well as to meet military needs. The majority of the population of the Western Kaganate were occupied with extensive agriculture, handicraft and trade under the rule of the Kaganate. During this period, agriculture, horticulture and viticulture rapidly developed on the lands of Central Asia.

Although Central Asia was a vassal of the Western Turkic Kaganate, it had a certain degree of internal independence. Without centralized power in the country, it developed in the form of a confederation of «rulers».

The article based on primary sources and scientific literature covers the socio-political situation and the system of local self-government in Central Asia on the eve of the emergence of Islam.

Айтиш лозимки, ушбу иддаодан унга тобе ўлкаларда содир бўлган исёнларни бостиришда самарали фойдаланилган. Жумладан, хоқон Қорақўрин (587 – 588) ўз ўғли Эл Арслон Шери Кишварни (586 – 606) Бухоро воҳасига Пойкентдаги Абруй (Абахон) исёнини (593) бостиришга жўнатган [1;91 б.].

Хоқондан кейинги амалдор – Ябғу (баҳодир) вазир вазифасида бўлган. Бу лавозимга, одатда,

хоқоннинг оила аъзолари тайинланган[5;35 б.]. Ғарбий турк хоқонлигида Тўнябғу даврида (618 – 630) бошқарув ислоҳоти ўтказилади ва маҳаллий ҳукмдорларга ҳам «ябғу» унвони берилади[9;7 б.]. Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри – тегин бўлиб, бу эпитет давлат бошлиғи фарзандлари – шаҳзодалар исмига қўшиб, масалан, Култегин деб айтилган.

Турк хоқонлигидаги муҳим мансаблардан яна бири тудун бўлиб, у жойлардаги ноиблар лавозимини англатган. Улар маҳаллий ҳокимлар сиёсатини, бож-солиқ ишларини назорат қилганлар. Уруғ ва қабилаларнинг номдор вакиллари «беклар» деб юритилган. Жамоани хоқон ва зодагонлар кенгаши – «қурултой» бошқарган.

Хоқонлик бошқарувида икки хил тизим мавжуд эди. Биринчиси, бўйсундирилган баъзи ўлкаларда маҳаллий сулоалар ҳокимият тизимига киритилган, яъни улар хоқонликка ўлпон тўлаш эвазига ўз ҳукмини сақлаб қолган. Иккинчиси, тобе ўлка ва вилоятларнинг айримларига ҳукмдор хонадонига мансуб вакиллар тайинланган.

Хоқонлик аҳолисининг қуйи табақаси «будун» ёки «қора будун» деб аталган. «Будун» атамаси, шунингдек, қабилалар уюшмасини ҳам англатган. У «ўн ўқ будун» ёки «ўн ўқ эл» деб юритилган. Ўн ўқ будун ёки элнинг ҳокими «ябғу» ёки «жабғу» номи билан аталган [7;102 б.].

Хоқонликка қадар ҳам Марказий Осиёдаги маъмурий бошқарувда сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрийлар, чочликлар, фарғоналиклар билан бир қаторда, маҳаллий автохтон туркий тилли элатлар ҳам иштирок этган. Тудун, тутуқ, шад, чур, тархон, элтабар каби унвонларнинг жорий этилиши натижасида ўзига хос маъмурий ислохотлар амалга оширилиб, бошқарув хоқонлик тизимига мослаштирилган. Бунда хоқоннинг жойлардаги вакиллари у ва маҳаллий ҳукмрон сулоалар ўртасидаги боғловчи вазифасини бажарган [6;96 б.].

Маҳаллий сулоаларнинг бошқарувдаги иштирокидан кўзланган мақсад – ўтроқ ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда ҳарбий эҳтиёжларни қондириш бўлган. Шунингдек, хоқонлар Марказий Осиёни ўз қавмдошлари яшайдиган юрт сифатида билиб, вақт ўтиши билан маҳаллий аслзодалар билан қуда-андачиликни йўлга қўйганлар [6;99–100 б.].

Марказий Осиё ҳудудлари Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, муайян даражада ички мустақиллик имтиёзига эга бўлган. Бу ерда марказлашган кучли ҳокимият йўқ бўлиб, ўлка бир неча «салтанатлар»дан ташкил топган конфедерация шаклида ривожланар эди. Жумладан, Сўғда ва Тоҳаристон конфедератив мулкларга, Чоч ва Илоқ хоқонлик вассаллигидаги ярим мустақил мулкларга, Фарғона эса, шимолий ва жанубий ҳокимликларга бўлиниб кетган эди. Уструшона, Чағониён, Кабоди-

ён, Хутталон, Рашт, Дарвоз, Бадахшон каби ўлкалар ҳам ярим мустақил мулклар сифатида маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчилар фикрига кўра [6;108 б.], ҳар бир мулкнинг ҳукмдори ички мустақиллик имтиёзига эга эканлиги боис, ўзини кўп ҳам марказга тобе деб ҳисобламаган.

Ғарбий хоқонлик аҳолисининг катта қисми хоқонлик бошқаруви шароитида ўтроқ деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан машғул бўлган. Бу даврда Марказий Осиё ерларида деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик тез ривожланди. Ибн Ҳавқал Сўғда, Ушрусана, Фарғона ва Шошда мева-лар ҳосили шу қадар кўп ва бошқа мамлакатларникидан ошиқ эканлигини таъкидлаб, улар билан ҳайвонлар боқилгани ҳақида ёзган [2;17 б.]. Фарғона, Хоразм ва Зарафшон воҳаларида кўплаб сув айирғичлар, каналлар, сув ҳавзалари бунёд этилган. Шунингдек, Фарғона ва Сўғдада аҳоли кон ишлари билан шуғулланиб, олтин, мис ва темир; Илоқда – қўрғошин, кумуш; Шахрисабзда – тош, қизил туз маъдани қазиб олинган [7;103 б.]. Турк хоқонлиги аввалдан мавжуд бўлган Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва Византия каби мамлакатлар билан савдо-сотиқни ривожлантиришга тўсқинлик қилмаган. Зеро, бундай савдодан келадиган фойдадан ҳам бож олиниб, хоқонлик хазинаси бойитилган.

Ибн Ҳавқал Марказий Осиё аҳолиси ҳаёт тарзини тавсифлаб, Мовароуннахрнинг кўп ҳудудларида одамлар худди битта уйда ягона оиладек яшайдилар, улар бир-бирларининг уйига худди ўз хонадонига келгандек кириши мумкин, мезбон меҳмонни умуман танимаса ҳам, унинг ҳожатини чиқариш учун бор имкониятини ишга солади, бунда ўзининг манфаатини кўзламайди ва меҳмон кўнглидан чиқариб бергани билан қаноатланади, деган мазмундаги маълумотларни қолдирган. Шунингдек, унинг ёзишича, бирор қишлоққа йўловчи келиб тушса, барча уни меҳмон қилиш учун мусобақалашади, бунда ўз мулкларига зарар етса ҳам, худди барча одамлар пул йиғиш мақсадида рақобатлашгани ва ўз бойликлари билан мақтангани каби ўзаро баҳслашганлар [2;17 б.].

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда араблар келгунга қадар Турк хоқонлиги томонидан кўчманчилик анъаналарига хос бошқарув тизими жорий этилган бўлиб, ушбу омил минтақадаги бошқарувга оид сиёсий жараёнлар жа-

даллашувида ижобий аҳамият касб этди. Оқибатда ўлка бошқарувида янги тартиб ва унвонлар жорий этилди. Шунингдек, Хоқонлик бўйсундирилган ўлкаларни бошқаришда баъзи маҳаллий сулола вакиллари ҳам жалб этиб, улардан ўлпон олиш эвазига итоатда сақлаб турган. Натижада ўтроқ ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт бирмунча таъминланган. Хуллас, Марказий Осиё бу даврда Ғарбий Турк хоқонлигига тобе бўлса-да, иқтисодий ривожланиш жадал суръатда давом этгани минтақа халқларининг бирдам ва меҳнатсеварлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far an-Narshaxiy. Buxoro tarixi. – T.: Kamalak, 1991.
2. Ibn Havqal. Movarounnahr/Ibn Havqal; arab tilidan tarj., izohlar muallifi SH.S.Kamoliddin. – T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, 2011.
3. Abu Rayhon Beruniy. Osor ul-boqiya anal-qurun al-holiya. (Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar)
4. Ahmedov B. Tarixdan saboqlar. – T.: O'qituvchi, 1994.
5. Gumilev L.N. Drevnie tyurki. Kristall, 2003.
6. Otaxo'jaev A. Ilk o'rta asrlar Markaziy Osiyo sivilizatsiyasida turk-sug'd munosabatlari. – T.: ART-FLEX, 2010.
7. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi. – T.: Sharq, 2013.
8. Bey shu (Shimoliy sulolalar tarixi). Yirik tarixchi Li Yan-shou qalamiga mansub. Markaziy Osiyo, Xorazm va Sharqiy Turkistonning VI asr ikkinchi yarmidagi tarixi haqida qimmatli ma'lumotlar mavjud. Suy shu (Suy xonadonining tarixi). Xitoy tarixchilari jamoasi tomonidan yozilgan. Asarning 83-bobida Markaziy Osiyo haqida ma'lumotlar mavjud. Qarang: Madraimov A. Fuzailova G. Manbashunoslik. – T.: O'zbekiston faylasuflari ilmiy nashriyoti, 2008. 138-b.
9. Sultonov F., Bozorboev F. O'rta asrlar tarixi (O'zbekiston tarixi). – T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.



Sunnatullo MUXIDDINOV,

*Teacher of History at Samarkand State University
Uzbekistan. Samarkand city street of A.Yugnakiy home
number 7, e-mail: smuxiddinov@mail.ru*

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД МАДРАСАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ

УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС САМАРКАНДСКИХ МЕДРЕСЕ В КОНЦЕ XIX ГО НАЧАЛЕ XX ВВ.

STUDY PROCESS OF SAMARKAND MADRASAS BETWEEN THE END OF XIX AND BEGINNING OF XX CENTURIES

Калит сўзлар: Зарафшон округи, генерал-губернатор, мутавалли, мударрис, имом, муаззин, хужра, нозир, уезд, адно, авсат, аъло.

Ключевые слова: генерал-губернатор, мутавалли, мударрис, имам, муадзин, худжра, инспектор, уезд, адна, аусат, аъло, депозит.

Key words: General Governorship, mutavalli mudarris, imam, muadhin, hujra, inspector, uyezd, adna, ausat, a'lo.

Дунё тажрибасида маориф тизими доимо мамлакат ривожланиш даражасини аниқлаб берадиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Айниқса, таълим тизими тарихини билиш ҳар бир халқ маданиятининг кейинги ривожини учун мустаҳкам пойдевор яратади. Араблар истилосига қадар мамлакатимиз таълим тизими асосан, зардуштийлик дини тамойиллари асосида йўлга қўйилган эди. VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда мусулмонларга хос бўлган янги таълим тизими шакллана бошлади. Таълимнинг ўзига хос бўлган асосан икки босқичдан иборат тизими вужудга келди. Булар мактаб ва мадраса бўлиб, мактаб Арабистон ярим оролида VII–VIII асрларда пайдо бўлган. IX–X асрларга келиб эса, Ўрта Осиё ва Волгабўйи ҳудудларига ҳам кенг ёйилган. Мактабни тугатган баъзи ўқувчилар мадрасада ўқишни давом эттирганлар. Мамлакатимизда мусулмон таълим тизимининг юқори босқичи ҳисобланган мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумот Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган. Унга кўра Бухоро шаҳридаги «Фаржак»